



## ҚАРОР-ПОСТАНОВЛЕНИЕ

15. *Декабрь* 1992 й.

№ *268-н*

Фуқаро Хотамов Абдукодирга  
уз уйи ховлиси олдидаги мавжуд  
автобус бекатини қайта таъмирлаб  
савдо дукони қуришга рухсат  
бериш тўғрисида.

Самарқанд туман "Ўзбекистон" жамоа хужалиги Ражабамин  
маҳалласида яшовчи фуқаро Хотамов Абдукодирнинг туман  
хокимиятида қайд этилган аризасига асосан, ҳамда туман аҳолисига  
намунавий хизмат курсатини мақсадида


### Қ а р о р   к и л а м а н :

1. Самарқанд туман "Ўзбекистон" жамоа хужалиги "Ражабамин"  
маҳалла фуқароси Хотамов Абдукодирга туман ер хайъатининг тузилган  
далолатномасига асосан уз уйи ховлиси олдидаги мавжуд автобус  
бекатини қайта таъмирлаб савдо дукони қуриши учун  $16\text{м} \times 5\text{м} = 80\text{ кв.м}$   
ер майдони ажратилсин ва қуришга рухсат берилсин.

2. Фуқаро Хотамов Абдукодир ушбу автобус бекати ва савдо дуконини  
қуришда қатъий равишда лойиҳа хужжатлар тайёрланиб, Давлат  
қурилиш экспертизаси ва Давлат қурилиш назорат инспекцияси  
руйхатидан ўтказилгандан сунг, лойиҳа хужжатларни туман бош  
меъмори билан келишилган ҳолда қуриш ҳамда савдо қилишда туман  
солиқ инспекциясида хужжатларни расмийлаштириб савдодан тушган  
нақд пулни туман банкида ҳисоб рақами очиб топшириш юқлатилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман бош меъмори  
Ф.Мардонқуловга топширилсин.

Туман ҳокими:



*Р.Хакимова*  
Р.Хакимова